

BLOOD PARASITIC DISEASES OF CATTLE

Askarov Saidkarim

Research Veterinary Institute, independent researcher, Samarkand, Uzbekistan

Mavlanov Sabirjan

*Research Veterinary Institute, Candidate of Medical Sciences, Supervisor,
Samarkand, Uzbekistan*

Askarkhodzhaev Saidmukhammadzokir

*Samarkand University of Veterinary Medicine, Animal Husbandry and
Biotechnology, independent researcher, Tashkent,*

Annotation: In all regions of the country, the infection rate of cattle with blood parasitic diseases (piroplasmidoses) averages 8-9%. Carriers of piroplasmidoses in cattle are pasture (ixodid) ticks. In particular, theileriosis is transmitted by ticks *Hyalomma anatomicum* and *Hyalomma detritum*, and piroplasmosis and babesiosis by *Boophilus calcaratus*.

Keywords: Piroplasmidoses, blood parasitic diseases, diseases, ticks, theileriosis, piroplasmosis, babesiosis, pasture, ixodid ticks

КРОВЕПАРАЗИТАРНЫЕ БОЛЕЗНИ КРУПНОГО РОГАТОГО СКОТА

Аскаров Сайдкарим

*Научно-исследовательский ветеринарный институт, соискатель,
Самарканд, Узбекистан*

Мавланов Сабирджан

*Научно-исследовательский ветеринарный институт, д.в.н., научный
руководитель, Самарканд, Узбекистан*

Аскарходжаев Saidmukhammadzokir

*Самаркандинский университет ветеринарной медицины, животноводства и
биотехнологии, соискатель, Ташкент*

Аннотация: Во всех регионах страны зараженность крупного рогатого скота кровепаразитарными болезнями (пираплазмидозами) составляет в среднем 8 – 9%. Переносчиками пираплазмидозов крупного рогатого скота являются пастбищные (иксодовые) клещи. В частности, тейлериоз передается клещами *Hyalomma anatomicum* и *Hyalomma detritum*, а пираплазмоз и бабезиоз *Boophilus calcaratus*ом.

Ключевые слова: Пираплазмидозы, клещи, кровепаразитарные болезни, тейлериоз, пираплазмоз, бабезиоз, пастбища, иксодовые клещи.

ҚОРАМОЛЛАРНИНГ ҚОН-ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАРИ

Асқаров Сайидкарим

*Ветеринария илмий-тадқиқот институти, мустақил изланувчи, Самарқанд,
Ўзбекистон*

Мавланов Сабиржан

*Ветеринария илмий-тадқиқот институти, в.ф.д., илмий раҳбар, Самарқанд,
Ўзбекистон*

Асқарходжаев Сайидмуҳаммадзокир

*Самарқанд ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнология
университети, мустақил изланувчи, Тошкент, Ўзбекистон*

Изоҳ: Республикализнинг барча ҳудудларида қорамолларнинг қон – паразитар касалликлар (пироплазмидозлар) билан касалланиши даражаси ўртacha 8 – 9% ни ташкил қиласди. Қорамолларни пироплазмидоз касалликлари қўзгатувчиларини тарқатувчилари бўлиб яйлов(иксад) каналари ҳисобланишади. Жумладан, тейлериоз касаллигини *Hyalomma anatomicum* ва *Hyalomma detritum* каналари, пироплазмоз ва бабезиоз касалликларини эса *Boophilus calcaratus* канаси тарқатади.

Калит сўзлар: Пироплазмидозлар, шомиллар, қон паразитар касалликлари, тейлериоз, пироплазмоз, бабезиоз, яйлов, иходид шомил.

Мавзунинг долзарблиги. Қорамолларнинг протозооз касалликлари гурухига кирувчи – тейлериоз, пироплазмоз ва бабезиоз ўткир оқимда кечувчи, интоксикация, анемия, моддалар алмашинувининг бузилиши, асаб тизимининг фалажланиши каби клиник белгилар намоён бўладиган трансмиссив касалликлар ҳисобланади.

Республикамизнинг деярли барча ҳудудларида қорамолларнинг пироплазмидозлари (тейлериоз, пироплазмоз, бабезиоз) кенг тарқалган бўлиб, касаллик тарқалган хўжаликларда чорвачилик ривожига катта иқтисодий зарар келтироқда.

Адабиётларда келтирилган маълумотларига қараганда Республикализнинг барча ҳудудларида қорамолларни қон паразитар касалликлари (пироплазмидозлар) билан касалланиш даражаси ўртacha 8 – 9% ни ташкил қиласди. Қорамолларни пироплазмидоз касалликлари қўзгатувчиларини тарқатувчилари бўлиб яйлов(иксад) каналари ҳисобланишади. Жумладан, тейлериоз касаллигини *Hyalomma anatomicum* ва *Hyalomma detritum* каналари, пироплазмоз ва бабезиоз касалликларини эса *Boophilus calcaratus* канаси тарқатади.

Юқорида келтирилган маълумотларга асосланиб таъкидлаш мумкинки, қорамолларнинг қон паразитар касалликлари республикамизнинг барча ҳудудларида кенг тарқалган бўлиб, чорвачилик хўжаликларига сезиларли даражада иқтисодий зарар келтиради. Жумладан, касалланган хайвонларнинг сут ва гўшт маҳсулдорлигини пасайиб кетиши, уларни касалликдан даволаш ва профилактика қилиш учун сарф қилинадиган молиявий харажатлардан иборат.

Тадқиқотнинг мақсади. Шу сабабли кейинги йилларда қорамолларнинг қон паразитар касалликларини худудлар кесимида учрашини, уларни тарқатувчиси бўлган иксод каналарини тарқалишини ўрганиш ва уларга қарши янги замонавий кураш чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш ҳамда касалликларни олдини олувчи ва даволовчи юқори самарадор воситаларни излаб топиш ва ветеринария амалиётига жорий этиш борасида илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқот усуллари. Илмий тадқиқот ишлари хўжалик ва лаборатория шароитида эпизоотологик, паразитологик, экологик, фенологик, арахнологик ҳамда статистик усуллардан фойдаланилган ҳолда олиб борилди.

Тадқиқотлар натижалари. Олиб борган тадқиқотларимиз давомида Тошкент вилоятининг Янгийўл, Чиноз, Қўйичирчик, Оққўрғон туманлари худудидан ўтувчи Ангрен, Чирчик дарёларига яқин бўлган тўқайзорлар, яйловлар, қишлоқларда, аҳоли қарамоғидаги қорамоллар орасида (қора-ола, голштин, жайдари ва бошқа зотлар) йилнинг июнь-август ойларида молларни кана чақиши оқибатида уларни тейлериоз ва пироплазмоз касалликлари билан касалланниш даражаси юқори бўлиши кузатилди.

Жумладан, Янгийўл туманининг Дўстлик, Ниёзбош, Янги ҳаёт массивларидағи Чирчик дарёсига яқин худудларда, чорвачилик субъектларида ўтган давр мобайнида 50 бошдан ортиқ қорамолларни тейлериоз билан касалланганлиги кузатилди.

Касалланган молларда асосан тана ҳароратининг 40 – 42 даражагача кўтарилиши, жағ ости, кўкрак олди безлари 3 – 4 баробар катталлашиши, кўз, оғиздаги шиллиқ пардаларда сарғайиш ҳолатлари, юрак уриши тезлашиши (120 – 140 тагача), қон томирдан (венадан) игна билан қон оқизилганда қон жуда суюқ ҳолдалиги, нафас олиши қийинлашиши, молларда иштаҳа йўқлиги, ҳолсизланиш ҳолатлари, сийдигини қизғиши рангда бўлиши кузатилди.

Айrim ҳолларда касаллик ўтиб кетиши оқибатида ўлган, сўйиб юборилган моллар ёриб кўрилганда, уларни лимфа тугунларини катталашганлиги, талоқни катталлашиб-юмшаб қолганлиги, кесганда қорамойга (дёготь) ўхшаш модда – суюқлик чиқиши, юракнинг миокард қисмида қон қуилиш ҳолатлари, кесганда қоннинг суюлиб кетганлиги, барча шиллиқ пардалар сарғиши, жигар катталашган, юмшоқ ва сариқ рангда, ўт халтасида кўк рангдаги кўп миқдорда суюқлик борлиги аниқланган. Буйрак кесиб кўрилганда юмшоқ бироз катталашган, катламларида қон қуилиш ҳолатлари мавжуд. Ўпкалар катталашган, пастки қисмларида қон қуилиш ҳолатлари кузатилганлиги қайд этилди.

Касалланган молларни аввало уйда салқин жойда сақлаш, енгил хазм бўладиган озуқалар (атала, кўк ўт, айрон, кўп миқдорда сув ичириш) тавсия этилди. Даволашни аввало касалланган молни қувватлантиришдан бошланди. Бунда 40 фоизли глюкоза 150 – 200 мл, 10 фоизли аскорбин кислотаси эритмаларини қон томирига томчилатиб юборилди. Ошқозон яхши ишлаши ва овқат хазм қилиш учун 200-300 мл ўсимлик ёғи, 10 – 15 мл чемерица, исириқ дамламаси ичирилди. Молларни қон паразитар касалликлари билан зарарланишини олдини олиш учун циперметрин, креолин препаратларидан тайёрланган эритмалар билан ҳар 10 кунда чўмилтириб туриш. Профилактика ва даволаш учун ҳар 28 – 30 кунда Трипанил – 2.36 g., Бупакон препаратлари қўлланилди.

Хуноса. Чорвачилик хўжаликларида қорамоллар орасида тейлериоз, пираплазмоз касалликларини келиб чиқмаслик чораларини кўриш учун Оққўрғон, Бўка, Пискент, Ўртачирчиқ, Қуйичирчиқ, Чиноз, Янгийўл туманларида қорамолларни яйловга, тўқайзорларга, дарё бўйи қирғоқларига олиб чиқишидан олдин, апрель – май ойларида юқорида кўрсатилган препаратлар билан кимё-профилактика тадбирларини олиб бориш ҳамда ёз ойларида чўмилтириш воситалари билан чўмилтириш тавсия этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Гафуров А.Г. Тейлериоз // Ж. Ветеринария. – №3 – 1996. С.17-18.
2. Гафуров А.Ғ., Давлатов Р.Б., Расулов Ў.И. Қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг протозой касалликлари. – Самарқанд, 2010. – 88-107 б.
3. Гафуров А.Ғ. Қорамолларни қон-паразитар касалликлардан асрайлик // Зооветеринария. – Тошкент, 2010. – № 4. –Б. 12-14.
4. Гафуров А.Ғ., Турабоев Н., Расулов Ў. Қорамолларни қон паразитар касалликлардан асраш // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. –Тошкент, 2008. – № 6. – Б. 7.
5. Гафуров А.Ғ., Расулов Ў., Турабоев Н., Дўскулов В. Қорамолларни қон паразитларидан асраш // АгроИЛМ. –Тошкент, 2007. – № 2. – Б. 36–37.
6. Гафуров А.Ғ. Иксод каналари республика худудларида кенг тарқалганлиги // Ветеринария. 2016. – № 11. – С .12–14.